



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

МУСТАҚИЛ ИШИ

МАВЗУСИ: _____

_____курс_____гуруҳ_____йуналиши
_____кафедраси

Бажарди:

Юсупов Ж.

Текширди:

Алимов Ш.

Андижон 2012-2013

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИ ЎРГАТИШ ВА ЛЕКСИК КЎНИКМАЛАР ХОСИЛ ҚИЛИШ.

Режа:

1. Инглиз ва узбек тиллари лексик системасининг кийёсий тахлили.
2. Лексик материалларни ўрганишдан кузланган мақсад?
3. Лексик кўникмалар хосил қилиш босқичлари?
4. Лексик машқлар типологияси?

Лексик кўникмалар, лексик машқлар, лексик бирликлар, абстракт сўзлар, инкор сўзлар, борликни ифодаловчи сўзлар, интерференция, актив сўзлар, пассив минимум сўзлар, статистик тамойиллар, методик тамойиллар, лингвистик тамойиллар, Презентация, перефраз, юз ифодаси.

Инглиз ва ўзбек тиллари лексик системасининг фарқли томонларининг сабаби улар турли тиллар оиласига мансублигидир. Мактабда чет тили ўқитувчиси барча лексик бирликларни ўргатишнинг иложи йўқ. Бунда минимум танлаш тамойилларига кўра танлаймиз. Лексик бирликларни танлашда уларнинг ўқитиш мақсадларига, мослиги ва уларни ўқувчилар томонидан эслаб қолинишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Г.Пальмернинг айтишича, қисқача сўзлар қийинчилик билан фарқланади ва эслаб қолинади. Шунингдек, абстракт сўзларга караганда предметни ифодалаган сўзларни эслаб қолиш осон. Чарлез Фриз 4 хил сўзларни фарқлашни таклиф этади.

1. Ёрдамчи.
2. Ўрин алмаштирувчи.
3. Инкор ва борликни ифодаловчи сўзлар.
4. Предметларни ифодаловчи.

Яна бир бошқа таниқли методист Роберт Ладос сўзларни тиллараро интерференцияга кўра таснифлашни таклиф қилди. Унингча, она тилидаги сўзлар билан ўхшаш бўлган инглиз тили сўзлари осон хотирада қолади.

Актив лексик минимумга 850 та сўз киради. Пассив лексик минимумга эса 1000 дан ортиқ сўзлар киради.

Актив минимум деганда биз ўқувчилар нутқий фаолиятида эркин қўллай оладиган сўзлар киритилган минимумни тушунамиз.

Пассив минимум деганда эса эшитганда ва ўқиганда ёдга тушадиган сўзлар, шунингдек, контекст ёрдамида маъносини англаб олиш мумкин бўлган минимум тушунилади.

Сўз танлашда лексик материал танлаш бирилиги қилиб сўз ва унинг маъноси олинади.

Биз бу ерда 3 хил принциплар лексик минимум танлаш тамойиллар гуруҳини фарқлаймиз:

1. Статистик (тез-тез учраб туришлик)
2. Методик (нутқда тез учраб турадиган)
3. Лингвистик.

1. Статистик тамойилларга:

- нутқда тез учраб туришлиги;
- нутқда кенг тарқанганлиги;
- нутқда кенг қўлланилиши; каби тамойиллар киради.

2. Методик тамойилларга эса:

- тематик:
- семантик тамойилларни киритиш мумкин.

3. Лингвистик тамойиллар:

- сўзларни бир-бирлари билан осон бирикиш тамойили.
- сўз ҳосил қила олиш тамойили.
- сўзларнинг кўп маънолиги. Лексик материал устида ишлаш,

Бу ерда лексик бирликларни дарс жараёнига киритишга

Ўргатишдан олдин лексик қийинчиликларни фарқлаб олиш зарур. Маълумки, она тилидаги ўрганилган лексик бирликлар чет тилидаги лексик бирликларга ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Салбий таъсир интерференцияда, унда тиллараро ёки бир тил ичидаги интерференциялар фарқланади: Cordial-самимий, юракдан.

I see you - мен сизни кўраяпман

I see the sea - мен денгизни кўраяпман

Инглиз тилида лексик кўникмалар ҳосил қилишда Шатилов томонидан таклиф килинган 3 босқич фарқланади:

1. Презентация (кўргазмалилик асосида нутқда).
2. Машқ қилиш босқичи (тренировка) (турли машқларда лексик бирликларни қўллаш).
3. Янги нутқий вазиятларда қўллаш босқичи (ситуация) (ўрганилаётган сўзларни нутқий вазият талабига мос қўллаш).

Сўз маъносини очиб бериш усуллари:

- а) кўргазмалилик орқали таржимасиз;
- б) таржима ёрдамида;
- с) перефраз (талқин қилиш орқали);
- д) юз ифодаси, имо-ишоралар орқали;
- е) контекст ёрдамида (янги сўз гап мазмунига кўра фахмлаб олинади);
- ф) сўз ясовчи қўшимчаларни таҳлил қилиш орқали;
- г) нутқий вазият орқали;
- ҳ) синоним ёки антоним сўзларни келтириш орқали.

Лексик машқлар:

1. Тасвирланган нарсани бир сўз билан. М:
2. It is a thing which we sit at it. not on it.
3. You sit it and read a book or may have your meal, (table).
4. Берилган сўзнинг синонимини топинг.
5. Берилган сўзнинг антомини топинг.
6. Мавзуга оид сўзларни топинг.
7. Берилган сўз ёрдамида иложи бориша сўз бирикмалари тезинг.
8. Нуқталар ўрнини керакли сўзлар билан тўлдириг.
9. Берилган гапдаги қора ҳарфлар билан ёзилган сўзга савол қўйинг.
10. Расмдаги предметларни инглизча номларини айтиг.
11. Берилган сўзлар ёрдамида матн (топик) тузинг.
12. Берилган сўзларни нутқий вазиятда қўлланг.
13. Расмни тасвирланг.